Адл ила олам юзин обод қил

# Куч–адолатда

2020 йил
31 июль,
жума
№ 26 (799)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

**Қадрли ватандошлар!**

Бутун ислом олами қаторида дину диёнатли, эътиқоди мустаҳкам халқимиз катта интиқлик билан кутиб олаётган муборак Қурбон ҳайити билан сиз азизларни, юртимиздаги барча мусулмон умматини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Кўҳна тарихимиз давомида юртимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин эгаллаб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини ҳар томонлама барқарор этиб келаётган бу қутлуғ байрам барчамизга муборак бўлсин!

Ушбу муқаддас айёмда сизларга, бутун эл-юртимизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат тилайман.

Дунё давлатлари қатори мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаган оғир синов — коронавирус пандемияси шароитида биз Қурбон ҳайитининг жамиятимиз ҳаётидаги беқиёс ўрни ва улкан аҳамиятини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айниқса, бу қутлуғ байрамнинг моҳиятида мужассам бўлган эзгу ва савоб ишлар қилиб яшаш, ўзаро ёрдам, меҳр-саховат, сабру қаноат, шукроналик, тинчлик ва соғлиқни қадрлашдек улуғ фазилатлар бугун алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, айнан мана шундай муқаддас қадриятларимиз бугунги мураккаб вазиятда эл-юртимизга қўшимча куч-ғайрат, чидам ва бардош ато этмоқда, десак, тўғри бўлади.

Давлатимиз ва жамиятимиз томонидан кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, минг афсуски, юртдошларимиз орасида ушбу касалликдан вафот этганлар ҳам бўлди. Уларнинг оила аъзолари ва яқинларига чин қалбимдан ҳамдардлик билдириб, барчаларига сабр-бардош тилайман, марҳумларнинг охиратлари обод бўлишини Яратгандан сўраб қоламан.

Албатта, пандемия туфайли оммавий тадбирларни, жумладан, Қурбон ҳайити билан боғлиқ маросимларни жамоат бўлиб адо этишда айрим чекловлар вужудга келганини мавжуд вазият тақозоси сифатида барчамиз яхши тушунамиз.

Муқаддас Қуръони каримнинг бир неча ўринларида **хайр-эҳсон, эзгуликнинг мукофоти фақат яхшилик** экани алоҳида таъкидланган. Бу каби пурмаъно ҳикматлар бугунги синовли кунларда жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва мурувват, ўзаро тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг тобора юксалиб боришида акс этмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу оғир синов дамларида Аллоҳ таолонинг ўзи эзгу ва савоб амаллар учун янги имконият эшикларини очиб бермоқда. Хусусан, пандемия туфайли ишидан, доимий даромад манбаидан узилиб қолган, ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак беришни юртдошларимиз ўзларининг инсоний бурчи, деб қабул қилаётгани таҳсинга лойиқдир. Зеро, муқаддас ҳадисларда келтирилганидек, ҳақиқий **мусулмон ўзига раво кўрганини биродарига ҳам раво кўради.**

Айниқса, ҳалол меҳнати орқасидан жамғарган маблағини қариндош-уруғлари, маҳалладоши ёки юртдошининг оғирини енгил қилиш учун холис ният билан ҳадя этган, меҳр-оқибатли, инсоф-диёнатли ва жонкуяр инсонларга Яратганнинг ўзи ажру мукофотини беради, албатта.

Ана шундай олижаноб юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда ташкил этилган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати бугунги кунда том маънода қудратли кучга айланди.

Ўтган қисқа вақт давомида ушбу Ҳаракат доирасида амалга оширилган улкан ҳажмдаги хайрия тадбирлари ва меҳр-мурувват амаллари ҳам шундан яққол далолат беради.

Ана шу эзгу ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида ҳамда пандемия даврида доимий даромад манбаига эга бўлмаган, кам таъминланган, ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли қатламларини ва оилаларни ҳамда иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида аввал ажратилган 10 триллион сўм маблағга қўшимча равишда бугун мен имзолаган Фармонга мувофиқ, республика бюджетидан яна қарийб 2,5 триллион сўм маблағ йўналтириш белгиланди.

Шу билан бирга, жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, мурувват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши - маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги "Вақф" хайрия жамоат фондига 150 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Азиз юртдошлар!

Биз орзу-ниятлари пок ва улуғ халқмиз. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратларининг: **"Муроди кўпнинг Ҳаққа итоати ҳам кўп бўлади",** деган сўзларида теран маъно мужассам.

Ер юзига Аллоҳнинг раҳмати ёғилиб турган ушбу саодатли айёмда дунёнинг олис-яқин мамлакатларидаги барча мўмин-мусулмон биродарларимизни, хорижий дўст ва ҳамкорларимизни ҳам Қурбон ҳайити билан қизғин табриклаб, уларга мустаҳкам тинчлик, бардавом тараққиёт тилайман.

Сиз, азиз ва муҳтарам ватандошларимизни Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Барча пок ниятларимиз ижобат бўлишини, Яратганнинг ўзи юртимизни турли бало-қазолардан асрашини, бирдамлик, дўстлик ва аҳиллик туйғуларимиз янада зиёда бўлишини сўраб қоламан.

Жонажон Ватанимиз, хонадонларимиздан тинчлик-осойишталик, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Эзгу интилиш ва ишларимизда Аллоҳ таоло ҳамиша мададкор бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

2020 йил 29 июль № 19 Тошкент шаҳри

## Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

*Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ва судлар ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.*

*Ушбу устувор масалалар юзасидан ўтган 3 йил мобайнида йигирмадан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди, бу борада амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга кўтарилди. Жумладан, ислоҳотлар натижасида судлар томонидан ноҳақ айбланган 2,3 мингга яқин киши оқланди, адашиб жиноят йўлига кириб қолгани сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга маҳалла ва жамоатчилик кафиллиги асосида енгилроқ жазолар тайинланиб, улар ўз оилалари бағрида қолдирилди, инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун 60 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафлар тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 июлда "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сонли Фармон қабул қилди.*

**(Давоми 3-бетда) ▶**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ВА ЁРДАМГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ва халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намоён этган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини янада кучайтириш мақсадида, шунингдек, Қурбон ҳайити байрами муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига ("темир дафтар") киритилган ва **аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилаларга** Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки бир марталик моддий ёрдам пулларини моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларига киритилган оилаларга **2020 йил 15 августга қадар** етказилишини таъминласин.

2. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори **1,1 баробар** оширилсин.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига **262 470** сўм;

ёшга доир энг кам пенсиялар — ойига **513 350** сўм;

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига **513 350** сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига **315 030** сўм этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йилнинг якунига қадар:

14 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжманд нафақа олувчи оилаларнинг амалдаги сонини 2 баробарга ошириб, **700** мингтагача етказишни;

бола 2 ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа олувчи эҳтиёжманд оналарнинг амалдаги сонини 330 мингдан **400** мингтага оширишни;

моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларнинг амалдаги сонини 89 мингдан **100** мингтага етказишни таъминласин.

4. Тўлаш муддати 2020 йилнинг июль-сентябрь ойларида тугайдиган болалари бўлган оилаларга ва бола парвариши билан шуғулланадиган оналарга нафақа тўлаш навбатдаги 6 ой муддатга (бола тегишлича 2 ёш ва 14 ёшдан ошмаган ҳолатда) давом эттирилсин.

5. Коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида ҳамда Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан:

моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг рўйхатларига ("темир дафтар") киритилган оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун "Саховат ва кўмак" жамғармасининг ҳудудий бўлимларига **200 миллиард сўм;**

тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига (врач, фельдшер, санитар ва ҳайдовчилар) бир марталик пул мукофоти бериш учун **100 миллиард сўм** маблағ ажратилсин.

6. Жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, мурувват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги "Вақф" хайрия жамоат фондига **150 миллиард сўм** маблағ ажратилсин.

7. Мазкур Фармоннинг 1, 5 ва 6-бандларида назарда тутилган маблағларнинг ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларга, тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига мақсадли ва манзилли етказилиши юзасидан қуйидагилар масъул этиб белгилансин:

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, мутасадди вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбарлари** — моддий ёрдам, пенсия ва нафақа пулларини тўлиқ ва ўз вақтида ажратиш ва жойларга етказиш бўйича;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А.Мусаев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги** — тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига бериладиган бир марталик моддий ёрдам пулларининг манзилли етказилиши бўйича;

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари** — пандемия даврида ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхатларининг шакллантирилиши ҳамда уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича;

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги** — зарур маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўз вақтида ажратилиши бўйича;

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда** — моддий ёрдам маблағларини тарқатиш учун нақд пул билан таъминлаш бўйича.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари Ҳисоб палатаси билан биргаликда бир марталик моддий ёрдамнинг ўз вақтида ва мақсадли амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 30 июль*

## МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ ПУЛИ БЕРИЛАДИ, НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ 10 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ

**Жаҳон миқёсида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қатъий карантин чоралари киритилгани, энг аввало, иқтисодий фаолликнинг ва аҳоли даромадларининг пасайишига олиб келмоқда.**

Айниқса, жорий йилнинг иккинчи чорагида иқтисодий вазият дунёнинг барча мамлакатларида кескин ёмонлашди. Ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши **10-20** фоизни, ривожланаётган мамлакатларда эса **7-15** фоизни ташкил этди.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига фаол кириб бораётган Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам глобал муаммолардан зарар кўрмоқда. Инқирозга қарши кўрилган қатъий ва амалий чора-тадбирлар эвазига 6 ой якунлари билан Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти **0,2 фоизга** ўсди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган шахслар иш жойларини вақтинча йўқотдилар, хориждан **200 мингдан ортиқ** ватандошимизнинг олиб келиниши ишсизлар сонини кўпайтирди.

Бундай мураккаб шароитда аҳолини, айниқса, унинг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш масаласи давлатнинг биринчи даражали эътиборида турибди.

Шу мақсадда, 30 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **"Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** Фармон қабул қилди.

**(Давоми 3-бетда) ▶**

## Қонун устуворлиги ва адолат барқарорлигини таъминлаш йўлида яна бир тарихий қадам

### *Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. Комилов билан суҳбат*

***— Ҳурматли Козимжон Фазилович, мамлакатимизда қонун устуворлиги ва адолат барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган тарихий ислоҳотлар қатъият билан амалга оширилаётганига ҳар биримиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу жараёнларда, айниқса, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлаш, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш, судларнинг очиқлиги ва шаффофлигига эришиш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Куни кеча Президентимиз томонидан қабул қилинган янги Фармон бу борада яна бир тарихий қадам бўлди.***

— Ҳақиқатан ҳам, шундай. Дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибасига назар ташласак, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек энг масъулиятли вазифа судлар зиммасига юклатилганини кўрамиз. Шунинг учун ҳам судларнинг мустақил, холис ва адолатли фаолият юритишига алоҳида эътибор қаратилади. Мамлакатимизда ҳам муҳтарам Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида судларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлашнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича тизимли ишлар жорий этилди. Ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий хўжалик суди фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди. Юртимизда биринчи марта вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда маъмурий судлар ташкил этилди.

Шунингдек, туманлараро, туман иқтисодий судлари фаолияти йўлга қўйилди.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Яна бир муҳим янгилик — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши таъсис этилди. Натижада судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, бу борада очиқ, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш имкониятлари кенгайди.

Дунёнинг тараққий этган давлатлари илғор тажрибасини чуқур ўрганиш асосида мамлакатимизда судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди.

**(Давоми 2-бетда) ▶**

# Қонун устуворлиги ва адолат барқарорлигини таъминлаш йўлида яна бир тарихий қадам

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Юқорида қайд этилган ўзгаришлар амалга жорий этилаётган пайтда мамлакатимизда вазият анча оғир эди.

Ўша кезларда вилоятларда ўтказилган қабуллар ҳаёт жойларида мутлақо бошқача эканлиги, фуқаролар адолатга чанқоқ, жамиятга адолатсиз, ноҳақлик каби иллатлар анча сингиб кетганини кўрсатди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ўша пайтда судлар жамиятдан узилиб қолган, одамларнинг судьяга нисбатан ишончи йўқолган эди.

Президентимиз ана шундай вазиятни ҳисобга олиб, судлар олдига одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиб, уларнинг ишончини қозониш, жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлаш вазифасини қатъий қўйди.

Суд тизимида тарихий ислоҳотларни қатъият билан амалга оширишга киришилди. Аввало, барча учун судларнинг эшиги очилди, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш йўлида муҳим чоралар кўрилди, жойларда сайёр қабуллар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди, суд раислари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида брифинглар ўтказиш қатъий қоидага айланди. Айниқса, оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилди, илгари суд мажлисларига киритилмаган журналист, блогер ва кенг жамоатчиликнинг иштироки таъминланди. Ҳатто айнан оммавий ахборот воситаларининг судларга иштироки тартибини белгиловчи Олий суд Пленуми қарори қабул қилинди.

Шунингдек, бу жараёнда қонунчилик асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бир қатор кодекслар қисқа муддатда янги таҳрирда қабул қилинди.

Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 30 ноябрдаги "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва далиллар мақбуллигига оид қонуннинг қабул қилиниши одамларнинг дардига малҳам бўлди. Бу шиддатли ислоҳотлар ўз натижасини бера бошлади, адолатсизлик ва ноҳақлик туфайли пароканда бўлган, ишончу умидини йўқотган кўплаб тақдирлар ва оилаларга катта ишончу илинж бағишлади.

Ислоҳотлар натижасида судлар томонидан 2 минг 273 фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига берилди. Инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузганлиги учун 60 нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходими жиноий жавобгарликка тортилди.

Бугун давр ўзгармоқда, ҳаётнинг ўзи жамият олдига янги талаб ва вазифаларни қўймоқда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб, дунё ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгаллаётган ҳар бир соҳа каби судлар фаолиятини ҳам янада такомиллаштириш, дунё стандартларига уйғунлаштиришни тақозо этмоқда. Шу маънода, муҳтарам Президентимиз томонидан куни кеча имзоланган Фармон, ҳақиқатан ҳам, судлар фаолиятини таъминлаш борасида яна бир тарихий қадам бўлди, деб айтиш мумкин.

***— Президент Фармонида бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Фармон талабига кўра, 2021 йил 1 январдан вилоятлар миқёсидаги фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда ягона умумюрисдикция судлари ташкил этилади. Айтинг-чи, вилоят судларининг амалдаги тузилмасига ўзгартиш киритишга нималар сабаб бўлди?***

— Албатта, Президентимиз Фармони билан вилоят судлари тузилмасига бундай ўзгартиш киритилаётганининг бевосита фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг судга мурожаат этиш имкониятларини янада кучайтириш билан боғлиқ бир қатор сабаб ва асослари бор.

Аниқроқ айтадиган бўлсам, вилоят судларининг амалдаги тузилмаси бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, бу ўз навбатида, суднинг мустақиллиги, одил судлов сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хўш, бу муаммолар нималардан иборат?

***Биринчидан,*** ҳар бир вилоятда жиноий, фуқаролик ва иқтисодий судларнинг алоҳида-алоҳида фаолияти юритиши, бир-биридан мустақил иш кўриши фуқаролар ва тадбиркорларнинг у суддан бу судга қатнайвериб, сарсон-саргардон бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида, жойларда турли хил норозиликларни келтириб чиқармоқда.

Бу фикримнинг исботи тариқасида биргина 2019 йилнинг ўзида 58 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорлар судлардаги оворагарчиликларга нисбатан ўз эътирозини билдирганини айтиб ўтишим керак.

***Иккинчидан,*** судларга ягона суд амалиётини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда. Масалан, муайян қонун нормаси судлар томонидан турли хил талқин этилмоқда. Бу ўз навбатида, суд қарорлари сифатига таъсир қилмоқда. Охир-оқибат фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонуний муддатларда таъминлаш тамойили бузилмоқда.

***Учинчидан,*** ўрта бўғин умумий юрисдикция судларининг алоҳида фаолият юритиши халқаро стандартлар талабига ҳам жавоб бермайди.

Нега деганда, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасига эътибор қаратсак, Франция, Италия, Канада, Жанубий Корея, Қозоғистон, Беларусь ва бошқа давлатларда ўрта бўғин умумюрисдикция судлари фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича ягона суд сифатида муваффақият билан фаолият юритиб келаётганини кўриш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини, халқаро майдонда обрў-эътиборини янада ошириш ҳам суд тизими ва унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қисқаси, Президент Фармонига кўра, жорий этиладиган судлар янги тузилмасида битта раис ва унинг жиноят, фуқаролик ҳамда иқтисодий ишлар бўйича қатъий ихтисослашган ўринбосарлари бўлади. Бу судларнинг бошқарув тизимини такомиллаштиради, фуқароларнинг муаммоси шу вилоятнинг ўзида ҳал бўлиши таъминланади.

Шунга ишончим комилки, Президентимиз Фармонида белгиланган бу вазифанинг ҳаётга тўлақонли жорий этилиши тез орада кутилган натижаларни беради.

***— Фармонда илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда самарали маъмурий одил судлов тизимини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади?***

— Президентимиз Фармонига кўра, 2021 йил 1 январдан туман (шаҳар) маъмурий судлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида **туманлараро маъмурий судлар** ташкил этилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади.

Бунда Олий суд маъмурий судлов ишларини юритиш бўйича олий инстанция ҳисобланади ва Олий суд таркибида раиснинг биринчи ўринбосари раҳбарлигидаги маъмурий ишлар бўйича ҳайъат фаолият юритади.

Маълумки, бутун дунёда маъмурий судлар суд тизимида ўта муҳим ўрин тутади. Чунки маъмурий судлар фаолияти моҳият-эътибори билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шу жумладан, маҳаллий ҳокимликларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, уларнинг ноқонуний қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш орқали фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ўз вақтида ҳамда самарали тиклашга қаратилган.

Мисол учун айтадиган бўлсам, мамлакатимизда маъмурий судлар томонидан 2019 йил ва 2020 йилнинг олти ойида 1909 та ҳоким қарорлари ҳақиқий эмас, деб топилган.

Демак, бундан кўринадики, ҳокимларнинг 2 мингга яқин ноқонуний қарорлари ҳақиқий эмас, деб топилиши орқали жойларда қонун устуворлиги ва адолат тикланган.

Маъмурий судлар томонидан амалга оширилаётган бундай ижобий ишларни яна кўплаб келтириш мумкин. Демак, бундан уч йил муқаддам шахсан Президентимиз ташаббуси билан юртимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши амалда ўзини тўлиқ оқлади.

Аммо маъмурий судлар ҳам, миллий ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, доимий такомиллаштириб боришни тақозо этади. Хусусан, бугунги кунда маъмурий судлар фаолиятида қуйида муаммолар учрайди:

***биринчидан,*** туман миқёсида маъмурий судлар мустақил фаолият юритишида турли хил қийинчиликларга дуч келмоқда;

***иккинчидан,*** оммавий-ҳуқуқий низоларни кўришга ихтисослашган маъмурий судларга, табиатига кўра, бир-бирига зид бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриш ҳам юклатилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатининг жиноят ишлари бўйича судларга олиб берилиши жуда тўғри ва адолатли бўлади. Чунки жиноят ишлари бўйича судлар судьялари доимий равишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб келган бўлиб, шу туманда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳақиқий ҳолатни тўғри баҳолай олади.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, БМТ ривожланиш дастури, Германия ривожланиш соҳасида ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) ва Нагоя университети экспертлари томонидан Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларнинг маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиши ва маъмурий судларнинг мустақил суд сифатида сақлаб қолиниши тўғри қарор деб баҳоланган.

Қисқаси, юқорида қайд этилган муаммоларни самарали бартараф этиш, маъмурий судлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида, Президентимиз Фармонига кўра, 2021 йил 1 январдан туман (шаҳар) маъмурий судлари мақбуллаштирилиб, уларнинг негизида вилоят марказларида 14 та туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади.

***— Фармонга мувофиқ, суд тизимига 2021 йил 1 январдан бошлаб ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали "бир суд — бир инстанция" тамойили жорий этилмоқда. Ушбу янги тамойил фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қандай афзалликларга эга?***

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, "Бир суд — бир инстанция" тамойили халқаро тажрибада синалган, умумэътироф этилган дунёда энг мақбул суд тизими ҳисобланади. Бу тамойилга кўра, суд иш юритувчи келиб тушган ҳар қандай иш уч босқичда якунига етади.

Шу ўринда ушбу тамойилни соддароқ тарзда тушунтирадиган бўлсам, **биринчи босқич** — (туманлараро, туман (шаҳар) судлари).

**Иккинчи босқич** — апелляция (вилоят судлари).

**Учинчи босқич** — кассация (Олий суд).

Юқорида кўрсатиб ўтилган ана шу уч босқичда ҳар қандай иш ўзининг қонуний ечимини топади. Бу янгиликнинг жорий этилиши натижасида халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган, эскилик сарқити бўлган, ўз номи билан одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган назорат тартибида ишларни кўриш амалиётидан тўлиқ воз кечилади.

Шу ўринда, Президентимизнинг судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишга таъсир ўтказувчи барча омилларни, жумладан, Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг суд ҳужжатлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисидаги таклифи ҳам жуда тўғри бўлганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Умуман айтганда, суд мустақиллигини амалда таъминлаш, одил судлов сифатини ошириш ҳақида гап кетганда, Фармонга кўра, прокурорнинг айрим ҳуқуқлари чекланмоқда. Эндиликда прокурор суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори бўйича ишларни фақат ушбу ишлар юзасидан тарафлар мурожаат этган тақдирда, суддан чақириб олиб, ўрганиши мумкин бўлади. Бошқа ҳолларда прокурор ишларни чақириб олишга ҳақли эмас.

Шу билан бирга, прокурорнинг фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришдаги иштироки ҳам қатъий чегараланади. Агар бу ишлар бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган бўлса, қонунда назарда тутилган истиснолардан ташқари, прокурор ўз ташаббуси билан бу ишларни кўришда қатнаша олмайди. Бошқача айтганда, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ўртасидаги низоларни ҳал этишда прокурорнинг иштироки истисно этилади.

Фармон билан жорий этилаётган яна бир янгилик шундан иборатки, жиноят ишини кўришда янги институт — дастлабки эшитув босқичининг киритилиши жиноят ишининг кўриб чиқилишига тўсқинлик қиладиган омилларни тез аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Шунингдек, жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойили асосида тарафлар иштирокида қабул қилиш тартибининг белгиланиши ҳам одил судлов одамларнинг кўз ўнгида, очиқ-ошкора, шаффоф тарзда амалга оширилишига ва адолат қарор топишига хизмат қилади.

***— Козимжон Фазилович, Президент Фармонида Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича алоҳида судлов таркиби тузиш белгиланган. Бу судлов ҳайъатининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз?***

— Муҳтарам Президентимиз Фармонига кўра, мамлакатимизда шундай судлов таркиби тузиш белгиланганини жуда катта янгилик ҳисобланади. Чунки илгари бизда бундай судлов таркиби бўлмаган.

Албатта, бунинг ўзига хос бир қатор муҳим сабаблари бор. Аввало шуни айтиш керакки, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш, чет эл ва маҳаллий инвестор ва инвестицияларини янада кўпроқ жалб этиш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида, ана шундай махсус судлов таркиби фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Шу муносабат билан Олий суд тизимида ихтисослаштирилган Судлов таркиби ташкил этилади ва унинг зиммасига йирик инвесторларнинг (20 миллион долларидан кўп инвестиция киритган) ва давлат органлари ўртасидаги инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш вазифаси юклатилади.

Бунда қуйидаги тартиб ўрнатилади:

— йирик инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, бевосита Олий суд Судлов таркибига ёки умумий тартибда вилоят судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бошқа инвесторлар эса, ўз хоҳишига кўра, бевосита Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига ёки умумий тартибда туманлараро иқтисодий судларга мурожаат қилиши мумкин.

Инвестициявий низолар бўйича судлов таркибининг ташкил этилиши натижасида инвесторлар ўз низоларини ҳал қилиш учун турли суд инстанциялари ўртасида 5-6 ойлаб сарсон бўлиб юришининг олди олинади ва уларнинг барча муаммолари битта суд доирасида ҳал қилиниши таъминланади.

Бундай кафолатли суд ҳимояси чет эллик инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш орқали мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишни таъминлайди.

***— Фармонда судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш бўйича Дастур лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланган. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз?***

— Маълумки, судлар фаолиятида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, фуқароларнинг судларга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтиришда ўта муҳим ўрин тутади. Президентимизнинг 2017 йил 30 августда қабул қилинган 3250-сонли қарори айни шу мақсадга қаратилган эди.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг амалий ижроси судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш, шунингдек, судларда иш юритиш сифатини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишда сезиларли ижобий таъсир кўрсатди.

Аммо бу борада ҳали ўз ечимини кутиб турган бир қатор муаммолар мавжуд. Шуларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда Фармон талабидан келиб чиқиб, судлар фаолиятига ахборот коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш бўйича махсус Дастур ишлаб чиқилмоқда.

Бунда қуйидаги асосий вазифалар белгиланмоқда:

***биринчидан,*** жорий йил якунига қадар судлар фаолиятига **"Адолат" ахборот тизимлари комплекси** жорий этилади. Мазкур "Адолат" ахборот тизимлари комплекси қуйидаги имкониятларни яратади:

— давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлик тузилмалари ҳамда адвокатлар **судларга фақат электрон шаклда мурожаат қилиш;**

— фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари жиноят ишлари бўйича ва маъмурий судларга ахборот тизими орқали электрон мурожаат қилиш;

— мурожаатлар ҳолатини **онлайн тарзда кузатиб бориш;**

- судлар томонидан тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш;

- апелляция инстанция судларида ишларни **автоматик равишда тақсимлаш имкониятини яратиш;**

- суд ҳужжатларини ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда **автоматлаштирилган равишда шакллантириш.**

***Иккинчидан,*** жорий йил якунига қадар барча судларда суд мажлислари **аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда мажбурий қайд этиб бориш** ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда юритиш тартиби жорий этилади.

***Учинчидан,*** суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи **мобиль дастур ишлаб чиқилади** ҳамда суд мажлисларида ушбу дастур орқали иштирок этиш имкони яратилади. Бунда иштирокчилар ўзлари хоҳлаган жойдан туриб, видеоконференцалоқа режимининг мобил версиясидан фойдаланган ҳолда суд мажлисларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

***Тўртинчидан,*** судлар фаолиятида **сунъий интеллектдан фойдаланиш** тартиби жорий этилади.

***Бешинчидан,* 2021 йил 1 апрелга** қадар Олий суд ахборот базасини **15 та** вазирлик ва давлат идорасининг ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинуви **100 фоиз** рақамли шаклга ўтказилади.

***Олтинчидан,*** видеоконференцалоқа режими орқали жазони ижро этиш муассасаларида жойлашган шахсларни бевосита улар жойлашган жойдан туриб, суд мажлисларида, шунингдек, суд раҳбариятининг шахсий қабулларида иштирок этишини таъминлаш тизими яратилади.

***Еттинчидан,*** Олий суднинг **my.sud.uz** интерактив хизматлар порталида **"Суд хабарномаси"** хизмати жорий қилинади. Бунда ишда иштирок этувчи шахслар суд хабарномаларини инсон омилисиз олиш имкониятини яратилади.

***Саккизинчидан,*** маъмурий судларда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни электрон кўринишда шакллантириш. Бунда мазкур тоифадаги ишларни қоғоз кўринишидан воз кечилган ҳолда, **фақат электрон шаклда** кўриш амалиёти жорий этилади.

***Тўққизинчидан,*** судларда иштирок этувчи шахсларга суд ҳужжатларини электрон шаклда, шунингдек, **"SMS"** хабар ҳамда **электрон почта манзилига** юбориш орқали уларни хабардор қилиш тизимини яратиш.

***Ўнинчидан,*** ахборот тизимларининг интеграция қилиш орқали озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаш ҳақидаги суд ҳукмлари ва унинг ижросига доир маълумотларни **электрон шаклда алмашиш,** шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган шахслар томонидан жазони ижро этиш муассасасининг ахборот тизими орқали судга **электрон шаклда** мурожаат қилиш имкониятини яратиш.

***— Фармонда айрим туман судлари тугатилиб, айрим туманларда янги судлар ташкил қилинишини ҳам муҳим вазифалар қаторида белгиланган. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.***

— Бу борада ҳам суд тизими тузилмаси аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, шунингдек, судларнинг иш юкламаси инобатга олинган ҳолда такомиллаштирилмоқда. Хусусан, Фармонга кўра, тегишли туман (шаҳар) аҳоли сонидан ва судларнинг ҳақиқий иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 2021 йил 1 январдан Амударё, Нуробод, Пастдарғом ва Бойсун туман иқтисодий судлари тугатилиб, бу ҳудуддаги иқтисодий низоларни кўриш вазифаси яқин туманлараро судлар зиммасига юклатилади.

Чунки ушбу туманларнинг аҳолиси сони нисбатан кам ва иқтисодий судларнинг иш юкламаси ҳам унчалик юқори эмас. Масалан, Бойсун туман иқтисодий суди 2020 йилнинг ўтган 6 ойи давомида 21 та иш кўрган. Амударё, Нуробод туманлари иқтисодий судлари ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Шунингдек, аҳоли сони нисбатан кўп бўлган ҳамда қўшни туман судлари узоқ масофада жойлашган Янгийўл туман ва шаҳар (аҳоли сони 275 минг) ва Ургут (аҳоли сони 507 минг), Хатирчи (аҳоли сони 193 минг), Пахтакор (аҳоли сони 124 минг) туманларида фуқаролик ишлари бўйича судлар ва Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди ташкил этилади.

Шунингдек, Сўх тумани анклав бўлгани, фуқароларга чегарадан ўтиб, Риштон туманидаги туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилишни қийинчилик туғдираётгани инобатга олиниб, ушбу туманда янги фуқаролик ишлари бўйича суд ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари 2019-2020 йилларда янги ташкил этилган Бўзатов, Тахиатош, Бандихон ва Тупроққалъа туманларида ҳам жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти йўлга қўйилиши назарда тутилади.

Умуман айтганда, Президентимиз ушбу тарихий Фармонида белгиланган муҳим вазифалар моҳият-эътибори билан кафолатли суд ҳимоясини таъминлаш борасидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичларини бекор қилишга, инвесторлар ҳуқуқларининг ишончли суд ҳимоясида бўлишини таъминлашга, суд органларининг амалдаги тузилмасини замон талаблари ва халқаро стандартларга уйғунлаштиришга хизмат қилади.

**Суҳбатни Ш. ҲАМРОЕВ ёзиб олди**

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

*Олий суд Пленуми мазкур Фармонда қўйилган вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, барча судлар судьялари, Судьялар ассоциацияси, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди.*

*Вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларининг ташкил этилиши илғор хорижий давлатлар тажрибаси ва халқаро стандартларга асосланган бўлиб, суд тизимини халққа янада яқинлаштиради, одамларнинг ҳуқуқий муаммолари битта судда ҳал бўлишига имкон яратади ҳамда суд тизими бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилади.*

*Маъмурий суд тизими ислоҳ этилиб, вилоят марказларида туманлараро судларнинг ташкил этилиши бундай судлар судьялари мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, фуқаролар ва давлат органлари ўртасида маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган низоларнинг холисона ва адолатли ҳал этилишига мустаҳкам кафолат яратади.*

*Давлат раҳбари томонидан олға сурилган "бир суд — бир инстанция" тамойили амалга оширилиб, биринчи инстанция судлари қарорлари апелляция тартибида қайта кўриб чиқилиши, апелляция тартибида кўриб чиқилган суд қарорларининг Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан кассация тартибида қайта кўриб чиқиш тартиби жорий этилиши суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг мукаммал тизимини яратиш имконини беради. Бунда суд қарорлари қабул қилиниши билан унинг ижро қилиниши ўртасидаги муддатлар сезиларли даражада қисқаради ҳамда ривожланган давлатларда мавжуд бўлган ҳуқуқий аниқлик принципи амал қила бошлайди.*

*Суд ишларини назорат тартибида кўриш институтининг тугатилиши ва прокурорнинг одил судловни амалга оширишдаги ваколатлари чегараланиши суд процессида тарафлар тенглиги принципи амал қилиши имкониятини кенгайтиради.*

*Инвестициявий низоларнинг, тарафлар ихтиёрига кўра, Олий судда ташкил этилаётган алоҳида судлов таркиби томонидан ёки вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан кўриб чиқилиши тартибининг жорий этилиши инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиради.*

*Фармонда қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши, пировард натижада, суд тизими ва судлов ишларини юритиш тартиб-тамойилларини такомиллаштириш билан бир қаторда одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш, фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, мамлакатда қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш учун замин яратади.*

*Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми*

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сонли Фармони ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сонли Фармони ижросини таъминлаш бўйича йўл харитаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сонли Фармонининг моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида, веб-сайтларда ва ижтимоий тармоқларда тарғибот қилиш бўйича медиа-режа 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Эксперт-таҳлил гуруҳи (А.Тухташев):

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тегишли қонун ҳужжатлари лойиҳасини тайёрласин;

2020 йил 1 ноябрга қадар янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисидаги"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш учун тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) икки ой муддатда судлар фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгайтириш дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш учун таклифлар тайёрласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти (Б.Тешабаев) икки ой муддатда:

янгитдан ташкил этилаётган судлар жойлаштирилишини ва уларни зарур жиҳозлар билан таъминласин;

2021-2025 йилларда судларнинг бинолари ва хоналарини қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастурини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Матбуот хизмати (А.Абидов) Олий суд судлов ҳайъатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) ва ҳарбий судлар билан биргаликда алоҳида медиа-режага асосан ушбу Фармоннинг моҳияти ҳамда аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида, веб-сайтларда ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини ташкил этсин.

7. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари — судлов ҳайъатларининг раислари Р.Махмудова, И.Муслимов, Х.Ёдгоров ва Б.Исаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси И. АЛИМОВ**

# МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ ПУЛИ БЕРИЛАДИ, НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ 10 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Фармонга биноан:

**Биринчидан,** пандемия шароитида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтожлар рўйхатига киритилган ва **аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилаларга** республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам пули берилади. Бунга республика бюджетидан қўшимча 380 миллиард сўм ажратилади.

**Иккинчидан,** муқаддас Қурбон ҳайити байрами арафасида халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини намоён этадиган муҳтожлар ҳолидан хабар олиш анъанасини давом эттирган ҳолда, жойлардаги "Саховат ва кўмак" жамғармалари орқали 220-250 минг оилага республика бюджетидан жами **200 миллиард сўм** ажратилади. Бунинг натижасида **1 миллион**дан ортиқ аҳоли нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон билан таъминланади.

Шунингдек, ушбу улуғ айём кунлари "Вақф" хайрия жамоат фондини қўллаб-қувватлаш мақсадида республика бюджетидан **150 миллиард сўм** ажратилади. Ушбу маблағ жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

**Учинчидан,** коронавирус пандемиясига қарши курашишда фаол иштирок этиб, ҳаётини хавф остига қўйиб жонбозлик кўрсатаётган тез тиббий ёрдам бригадаларининг шифокорлари, ҳамширалари, кичик тиббий ходимлари ва ҳайдовчиларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш учун **100 миллиард сўм ажратилади.** Бунинг эвазига **26 минг** оиланинг моддий аҳволи яхшиланади.

Юқоридаги чоралар ҳисобига Ўзбекистондаги **652 минг** оилага моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, қабул қилинган Фармонда пандемия даврида ижтимоий нафақа олувчилар сонини кескин ошириш кўзда тутилмоқда. Жумладан:

икки ёшгача бўлган бола парвариши бўйича нафақа олувчи эҳтиёжманд оналар сони ҳар ойда 14-15 мингтага оширилиб, декабрь ойида **400** мингтагача етказилади ёки йил бошига нисбатан қарийб 1,5 баробарга кўпайтирилади;

14 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар сонини йил бошига нисбатан 2,5 баробардан ортиққа ошириб, уларнинг сони декабрь ойида **700** минггача етказилади; кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам олувчилар сони йил бошига нисбатан 1,5 баробарга оширилиб, **100** мингтага етказилади.

Умуман олганда, ижтимоий нафақа олувчиларнинг умумий сони **600 минг**га кўпайиб, жорий йилнинг декабрь ойида **1,2 миллион**га (мамлакатдаги жами оилаларнинг қарийб 14,1 фоизи) етказилиши кўзда тутилмоқда ва бунга бюджетдан қўшимча **426 миллиард сўм** ажратилади.

Ўзбекистонда камбағал оилаларнинг умумий сони республикадаги жами оилаларнинг 12-15 фоизини ташкил этишини инобатга олсак, ижтимоий нафақа механизми билан йил охирига бориб, мамлакатдаги **барча камбағал оилаларнинг ҳар бир қатлами тўлиқ қамраб олинади.**

Бунга юқорида айтиб ўтилган бир марталик моддий ёрдам олувчи оилалар сонини қўшсак, давлатдан молиявий кўмак оладиган оилаларнинг сони сезиларли даражада кўпаяди.

Фармонда, шунингдек, кекса ёшдаги ҳамда ногиронлиги бор шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори **10 фоизга** оширилиши кўзда тутилмоқда.

Бу эса, жорий йил январь-июль ойларидаги инфляция кўрсаткичларидан 4,3 фоиз юқоридир.

Бу **2,8 миллион** кекса ёшдаги фуқароларни, **687** минг нафар ногиронлиги бўлган шахсларни, **210** мингдан ортиқ боқувчисини йўқотган шахсларни пандемия даврида моддий қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Бунда ўртача пенсия миқдори **764 минг** сўмдан **841 минг** сўмгача ошади.

Болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори амалдаги **466 680** сўмдан **513 350** сўмгача кўпаяди.

Шунингдек, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига (7 йил) эга бўлмаган, ҳаёти давомида Пенсия жамғармасига умуман бадал тўламаган **37,5 минг** нафар кекса фуқарога бериладиган нафақа ойига **315 030** сўмгача оширилади.

Фармонда кўзда тутилган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига 2020 йилнинг охиригача бюджетдан жами қўшимча **2,5 триллион сўм** йўналтирилиши кўзда тутилмоқда.

***ЎзА***

*Хабар*

# Суд раислари ахборот берди

***Урганч шаҳрида Хоразм вилояти суд тизими раҳбарлари жамоатчилик вакиллари олдида ахборот берди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашув асносида вилоят судларининг жорий йил биринчи ярмидаги ишига оид маълумотлар очиқланди.***

Тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган факт ва рақамларга қараганда, бутун дунёни қамраб олган эпидемия вазияти судлар фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Вилоятда сайёр суд мажлислари ўтказиш, жамоатчилик билан юзма-юз мулоқотлар уюштириш, аҳоли вакилларини бевосита суд даргоҳларида қабул қилиш каби тадбирлар ҳажми бирмунча қисқарган.

Шундай бўлса-да, вилоятда одил ва адолатли судлов таомилларига қатъий риоя этилмоқда. Йилнинг ўтган даврида жиноят ишлари бўйича вилоят суди ва унинг жойлардаги бўғинлари томонидан 6 нафар судланувчи бутунлай оқланган.

Маъмурий суд тизими томонидан маҳаллий ҳокимликларнинг жами 89 та, биргина Урганч тумани ҳокимининг 39 та қарори ноқонунийлик ҳолатлар сабаб ҳақиқий эмас, деб топилган.

Фуқаролик ишлари жабҳасидаги судларнинг ҳал қилув қарорларини юқори турувчи назорат босқичлари томонидан бекор қилиш ҳолатлари кескин қисқариб, атиги 0,7 фоизни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич республика миқёсида 0,8 фоиздир.

Иқтисодий судларнинг ишларни видеоалоқа режимида кўришга доир пешқадамлик ўрни янада мустаҳкамланди.Тарафлардан жами 171 нафар киши иштирок этган 100 та суд мажлиси ана шу тартибда ўтказилган. Бунинг натижасида 56,3 миллион сўм маблағ тежаб қолинган.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

# Одам савдоси – аср муаммоси

**Сўнгги йилларда одам савдоси ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, унга барҳам бериш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.**

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида болалар меҳнатига барҳам берилди, қишлоқ хўжалиги ишлари, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш даврида катталарнинг мажбурий меҳнатидан тизимли фойдаланиш амалиётига чек қўйилди.

Президентимизнинг **"Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони қабул қилинди. Бу эса, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги имижини оширишда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг янги тизимини яратиб берди.

Фармонга асосан Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ташкил қилиниб, унинг таркибида Одам савдосига қарши курашиш ҳамда Мажбурий меҳнатга қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссиялар ташкил этилди.

Миллий комиссия ҳамда кичик комиссиялар фаолиятини тартибга солувчи низомлар тасдиқланди, шунингдек, жойларда ҳудудий комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти учун барча ҳуқуқий асослар яратилди.

Миллий комиссия томонидан одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда бу борада Ўзбекистоннинг халқаро рейтингларда позициясини яхшилашга қаратилган 4 та чора-тадбирлар дастури қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришга асосан мажбурий меҳнатга йўл қўйган шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача, худди шундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима қўллаш белгиланди.

Шунингдек, Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш орқали болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Одам савдоси жабрдийдаларини аниқлаш, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида www.ht.gov.uz веб-сайти ҳамда Ички ишлар вазирлигида (99) 311-01-01 рақамли "долзарб алоқа тармоғи" фаолияти йўлга қўйилди.

Мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида фуқаролар томонидан келиб тушадиган мурожаатларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда мажбурий меҳнатни бартараф этиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан "1176" рақамли ишонч телефони, www.dmi.mehnat.uz сайти, "mehnathuquqbot" телеграм канали, Касаба уюшмалари федерациясининг "Қайта алоқа механизми" лойиҳаси доирасида "1192" рақамли ишонч телефони ва kasaba_bot телеграм канали ташкил қилинди.

2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ 94 та жиноят қайд этилиб, 2018 йилга нисбатан 22 фоизга камайди. Содир этилган жиноятлар бўйича 137 нафар уюшган жиноий гуруҳ аъзоси жиноий жавобгарликка тортилган бўлиб, улардан 119 нафарини аёллар, 18 нафарини эркаклар ташкил этади.

Мажбурий меҳнатни олдини олиш мақсадида 2 минг 779 та ташкилот, корхона, муассасалар ўрганилиб, мажбурий меҳнатга йўл қўйган 259 нафар ҳамда иш ҳақларини ўз вақтида бермаган ва меҳнат шароитлари яратмаган 56 нафар мансабдор шахсга қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий жарималар қўлланилди.

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказида жами 220 нафар одам савдоси жабрдийдаларига тиббий, психологик ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди. Шунингдек, уларнинг 113 нафари иш билан таъминланди. Одам савдоси жабрдийдаси бўлган 40 нафар шахсга зарур консуллик-ҳуқуқий ёрдами берилиб, уларнинг Ўзбекистонга қайтишларига амалий ёрдам кўрсатилди.

3 минг 938 нафар фуқаро чет элда иш билан таъминланди, 235 мингдан зиёд фуқарога маслаҳат хизмати ва ҳуқуқий ёрдам берилди, иш ҳақини вақтида ололмаган меҳнат мигрантларининг жами 529 минг 874 АҚШ доллари миқдоридаги иш ҳақлари ундириб берилди.

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш мақсадида давлат органлари, нодавлат ташкилотлар мутахассисларининг касб малакасини ошириш, илғор хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

— Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда 2019 йилда пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш юзасидан учинчи томон мониторинги, Касаба уюшмалари федерацияси томонидан миллий мониторинг ўтказилди, — дейди Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева. — Мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда пахтачиликда тизимли равишда болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга барҳам берилганлиги қайд этилди. Одам савдоси жабрланувчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни Ватанга қайтариш мақсадида Марказий Осиё давлатларининг ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда "Стоп-трафик" ва "Нелегал" каби тадбирлар ўтказилди. Тадбирлар давомида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудида жами 43 та одам савдоси билан боғлиқ жиноят аниқланди. Ушбу турдаги жиноятни содир этганлиги учун халқаро қидирувда бўлган 3 нафар шахс ушланди. Фуқароларимиз ишчи кучидан фойдаланиш қоидаларини бузган 56 нафар Қозоғистон фуқароси (иш берувчи) маъмурий жавобгарликка ва миграция қонунчилигини бузган 6 нафари эса, жиноий жавобгарликка тортилди. Бу йўналишда қатор муаммолар ҳам кузатилмоқда. Хусусан, бугунги кунда ҳам айрим маҳаллий ижро ҳокимликлари, вазирлик, идоралар ҳамда уларнинг қуйи тузилмалари раҳбарлари томонидан ходимларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари кузатилган. Шунингдек, 2019 йилда Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари хизматчилари ва ҳарбий билим юртлари курсантлари мажбурий тарзда пахта йиғим-теримига жалб этилган.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ўтказилган мониторинг якунлари бўйича 2019 йилда пахта йиғим-теримига 102 минг нафар шахс мажбурий жалб этганлиги қайд этилган.

2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 2018 йилга нисбатан камайган бўлса-да, бу йўналишдаги жиноятлар орасида чақалоқ савдоси жиноятлари юқорилигича қолган. Чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятлар Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 5 тадан, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 4 тадан, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Навоий вилоятларида 3 тадан содир этилган.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

**Президентимизнинг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиққани, хусусан, ноҳақ айбланган 2300 нафарга яқин киши оқлангани қайд этилди. Оқланиб, юзи ёруғ бўлган ана шу ҳамюртларимиз орасида Бағдод туманида яшовчи Элёржон Мамажонов ҳам бор.**

*Оқлов*

# Ноҳақ айбланган ўғил

## *жиноятга дахли йўқлиги боис оқланди*

Жиноят иши материалларидан кўринишича, Элёржон ва унинг онаси Манзурахон Мамажонова жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг 2020 йил 10 январдаги ҳукмига биноан Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "а", "б"-бандлари билан айбдор деб топилган. Суд ҳукмига кўра, М.Мамажонова ўғли Э.Мамажонов билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлгани ҳолда 2019 йил 14 февраль куни ўзлари вақтинча яшаб турган, туманнинг Самарқанд қишлоғи, Самарқанд кўчасида жойлашган, аслида фуқаро О.Қодировга тегишли 13 сотихдан иборат 52-сонли ҳовлининг 0,06 сотихини Ў.Қозоқовга 4.800 АҚШ долларига сотишга келишишган.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

